

IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҶА

Юк ташиш. 2018 йил январь–декабрь ойларида барча турдаги транспортлар томонидан 41,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 103,9 фоизни таш қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 854,7 млн.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 115,6 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь–декабрь	2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	41,8	103,9
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	41,8	103,9
Юк айланмаси, млн. тн-км	854,7	115,6
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	854,7	115,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 101,4 фоизга кўпайди ва 22,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 50,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь–декабрда 91,0 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йилнинг январь-декабрида барча транспорт турлари томонидан 689,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,3 фоизга кўпайиб, 11990,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 102,2 фоизга кўпайди ва 610 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 88,5 фоиз (2017 йил январь-декабрида 96,1 фоиз)ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-декабрь	2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	689,3	103,0
шу жумладан, автомобил транспортида:	689,3	103,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	11990,7	103,3
шу жумладан, автомобил транспортида:	11990,7	103,3

Транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

